

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАМҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000-йил 16 ноябр пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 230 (2527)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 ноябр куни Оқсаройда Япония ташқи ишлар вазирининг махсус ёрдамчиси Сумио Эламураки қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликка қизиқиш ортиб бормоқда, — деди Президент меҳмонни қутлар экан. — Ташрифингиз бунинг яна бир тасдиғидир.

Икки мамлакат ҳукуматларининг бир-бирига юксак ишончи сийёсий соҳада ҳам кўп акс этади. Ўзбекистон БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари катогори киритилиш масаласида Японияни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Мамлакатимизда

Хизматга яраша даромад

Хиссадорлик жамияти аъзаликларини «Сирдарё почтаси» ходимлари амалда ишлатишмоқда. Улар ишлаб топган даромаддан хиссадорлар ҳам, кўрсатилаётган хизматдан аҳоли ҳам мамун. Тўққиз ойлик даврада 94 миллион сўм даромад олинди. Шундан 9 миллион сўми соф фойдадир.

Сарибийда — Супермаркет

Элакқалъа туманининг аҳоли зич жойлашган Сарибий қишлоғида замонавий супермаркет биноси фойдаланишга топширилди. Унинг хизматидан сарибийликлардан ташқари Нукус-Тошкент йўналишидаги кўп сонли йўловчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

«Боинг» компанияси билан ҳамкорлик

Тошкент давлат самолётсозлик институти олимлари ҳўжалик шартномалари бўйича катта ҳажмда илмий излашлар олиб боришмоқда. Америкадаги халқаро «Боинг» авиакомпанияси билан тузилган битим асосида амалга оширилаётган тадқиқотлар айниқса самарали бўлмоқда.

Олий ўқув юртининг «Боинг» компанияси билан ҳамкорлиги давомида 230 миң доллар ҳажмида иш бажарилди. Бу маблағ ўқув-моддий негизни мустаҳкамлаш, ўқитувчилар ва талабалар турмуш шартини яхшилаш учун сарфланмоқда.

Янгиликлар, воқеалар, фактлар

Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Буюк Британия кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

САВДО-САНОАТ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

Мажлис иштирокчилари анъанага айланган бундай учрашувлар Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга катта туртки бераётганини алоҳида таъкидлади. 1992 йили бу бордаги кўрсаткич 131 миллион АҚШ долларидан бироз ошган бўлса, ўтган йили 405 миллион АҚШ долларига тенглашди.

Шарқдан нур сочган қуёш

Бугун юртимизнинг қадимий ва сўлим гўшаларидан бири Фарғонада муборак байрам. Буюк аждодимиз Бурхониддин ал-Марғиноний ҳазратлари таваллудининг 910 йиллиги кенг нишонланяпти

Тўхтасин ЗОХИДОВ, Риштон шаҳар Топиводиев номи маҳалла оқсоқоли, уруш ва меҳнат фахрийси: — Мен умримнинг энг қаймоқли йилларини мустабид тузум даврида кечирганман. Иккинчи жаҳон урушида қон кечганман. Урушдан сўнг турли лавозимларда ишладим. Лекин чинакам ҳаётимни, ўзлимни истиқлолдан сўнг танидим. Дўппини қўйиб андак мулоҳаза қилсам, пешонамдан нарини кўрмаган эканман. Ахир бутун дунёга фикр илмидан сабоқ берган, элликан зиёд китоблари чоп этилган Бурхониддин бобомиз борлигини саксонни қоралаб қолданингана билдик. Бундан ортқ некинлик бўлади? Яхшиям пешонамизга истиқлол нури теги. Бўлма-

са манқуртигимизча Утиб кетармидик. Бурхониддин бобомиз олис Ажам юртларига илм истаб боришган. Ҳозирги кунда фарзандларимиз у кишининг ортидан, орзуларини давом эттиришга тегини. Набираларим Зафаржон юртбошимиз инояти билан ташкил этилган «Умид» жамғармаси орқали Америка Қўшма Штатларида, Баҳромжон эса Буюк Британия қироллигининг нуфузли дорилфунунларида таълим олишмоқда. Улар буюк юртдош имиз орзуларини келгуси асрда дунёга ёйишларига ишончим комил. Геннадий ИВАНОВ, «Куббо» илмий-археологик экспедиция раҳбари, тарих фанлари номзоди: — Улуғ алломаларнинг ҳаёти, илмий фаолияти, дунё фани ва маданиятига қўшган ҳиссаси биз, олим-



Курраи заминда

Чеченистонга ким раҳбар бўлади?


Чеченистон махмурияти раҳбари Аҳмад Қодиров ўлканинг маҳаллий ҳокимияти оралирига янгида сайлов ўтказилгани қабар ўз лаозимида қолишини маълум қилди. У ўзининг истеъфо бериши мумкинлиги тўғрисида лайдо бўлган миш-мишларга муносабат билдириб, шундай деди. А.Қодиров сайловда ҳақ уни ёқаса, Чеченистонга раҳбарлик қилишини давом эттиришини айтди.

Сухартоний соғлиғи ёмонлашмоқда

Индонезиянинг собиқ президенти Сухарто юрак хуружидан соғайиб кечирди. Шифокорларнинг маълум қилишича, айни пайтда унинг аҳоли бармуни яхшиланган. Аммо бу бутунлай соғ десаки эмас. Сухарто илгари ҳам камда уч марта инсульт бўлган эди. Бундан ташқари, шифокорлар у буйрак, қанди диабет, юқори қон босимидан ҳам кўп безовта бўлаётганини айтмоқда.

Алоқалар тўхтатилади

Ислам конференцияси ташкилоти саммити қатнашчилари мажмур ташкилот аъзоларица Исроил билан барча алоқаларини узатиш тавсия этиди. 56 давлат раҳбарлари иштирок этган ушбу тадбирда қабул қилинган якуний декларацияда Исроил БМТнинг Фаластин ва Қуддус бўйича резолюцияларини бажармагунча, у билан илгари ўрнатилган ёки ўрнатилиш бошқичида бўлган барча алоқаларини тўхтатиш лозим, дейилади. Унда айтилишича, мусулмон давлатлари Қуддусни Исроил поштахони сифатида тан олдирган ва ўз элчиликларини бу ерга кўчирадиган ҳар қандай мамлакатга нисбатан шундай йўл тутмади.



Қадим Италиянинг бой тарихи, маданий мероси, ўнлаб афсонавий ҳақмонлар ва кўҳна Венецияси билан оламга машҳур. Бу мамлакат сизни нафқат гўллакларини, балки тараққий этган саноати билан ҳам ўзига аҳадрабодек чорлайверади.

Фалокат оқибатлари аниқланмоқда

Австриянинг Капрун шаҳри яқинидаги туннеда юз берган фалокат қурбонларининг асосий қисми қайси давлат фуқаролари экани аниқланди. Хабарларга қарасанда, ҳақокат тўғрисида Австрия (92), Германия (37), Япония (10), АҚШ (8), Словения (4), Нидерландия (2), Чехия (1) фуқаролари ҳаётдан кўз юмган. 159 маркумдан тўрттасининг шахси ҳали аниқлангани йўқ.

Бугунги ҳаракат — эртанги баракат

Ҳақимизда «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдасанг юз ҳайда» деган ажойиб мақол бор. Унинг замирида катта маъно мужассам. Ўзбек дехқони бун яхши билади. Сифатли қилиб чуқур ҳайдаган, кузги юмушлар пухта амалга оширилган майдонлар

Жамоатчилик фикри — қудратли куч

Ўзбекистон Республикаси «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказида «Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрнини: назария, методика, амалиёт» мавзусида илмий сессия ўтказилди. Фан ва техника давлат қўмитасининг «Жамоатчилик фикрини ўрнининг методологияси» лойиҳаси, ЮНЕСКО МОСТ ва GEF Агентлигининг лойиҳаси жамоатчилик фикрини шакллантириш ташкилотини доирасида ўтказилган мажмурият конференциясида иштирок этган профессор-ўқитувчилари, илмий-тадқиқот институтлари вакиллари, мутахассислар қўшилди.

...Куз ҳайдамасанг, юз ҳайда

Шу кунги Хартли Бут раҳбарлигидаги Буюк Британия делегацияси аъзолари Ўзбекистон Бош вазирини ўринбосари В. Отаев ҳамда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирини Э.Ганиев билан музокара ўтказди.

яниг йилгача удалашади. Бу даврда ерлар текисланиб, келгуси йил чигит экиш учун пушта ҳам олинади. Бу эртанги ҳосилга пушта замин яратилди, демакдир. Шу боис вилоят пахтакорлари, мана бир неча йилдирки, эрта ва сифатли ҳосил этиштириб, режани бажаришни ҳар йили 15-20 кун олдинга суриб келмоқдалар.

Эртага ҳукм ўқилади

Илгари хабар қилганимиздек, республика Олий судида Тоҳир Йўлдошев, Жумабой Ҳожиев, Салай Маддалинов ва бошқаларга (жами 12 киши) нисбатан эълон қилинган жиноят иши бўйича олиб борилган суд мажлисида суд ҳайъати тарафларнинг музокара сўзларини эшитиб, 2000 йилнинг 13 ноябр куни ҳукм чиқариш учун маслаҳат уйига кирган эди.

Натижада ҳайдалмаган ерлар қишда нисодалагидай дам олмади. Тупроқ намга етарли даражада тўйинмади. Ернинг тағидаги зарарли ҳашоратлар яшаб қолаверади. Улар баҳорда экилган экинлар томирининг қушандасига айланди ва ҳосилдорликнинг пасайишига сабаб бўлди. Шу билан бирга шудгорланмаган ерларда кузги-қишқи талбирлар, айниқса, шўр ювиш етарли даражада олиб борилмади.

«Халқ сўзи» муҳбири. Натижада ҳайдалмаган ерлар қишда нисодалагидай дам олмади. Тупроқ намга етарли даражада тўйинмади. Ернинг тағидаги зарарли ҳашоратлар яшаб қолаверади. Улар баҳорда экилган экинлар томирининг қушандасига айланди ва ҳосилдорликнинг пасайишига сабаб бўлди. Шу билан бирга шудгорланмаган ерларда кузги-қишқи талбирлар, айниқса, шўр ювиш етарли даражада олиб борилмади.

Шарқдан нур сочган кўёш

(Давоми. Боши 1-бетда).

бериларди. Бу қадимий юртнинг жаҳон маданияти, илм-фани, санъати ривожига қўшган ҳиссаси иккинчи даражали манба сифатида соя остида қолиб кетарди.

Сўнгги икки йил мобайнида Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳониддин ал-Марғиновичларнинг муборақ тўйлари боис ўтказилган археологик қазималар инсониятнинг кўп йиллик тарихида Фарғонанинг ўрни беқис эканлигини кўрсатди. Қува, Марғилон, Риштон, Қўжон сингари шаҳарларнинг дунёда эътироф этилиши, жаҳонга машҳур бўлиши ҳам улғу боболаримизнинг буюк хизматлари шарофати эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Бурҳониддин ал-Марғинович юбилейи муносабати билан Риштон шаҳрида археологик тадқиқот ишлари олиб борилди. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Шаҳарда минг йил аввал бунёд этилган мулоффа деворларининг қолдиқлари топилиб, ҳунармандчилик, қулдчилик ўша йилларда ҳам юксак ривожланганлиги исботланди. Бутун дунёга машҳур Риштон қулдчилик мактабининг томилари теран, илдири минг йиллик манзилларга бориб тақалиши амалий исботини топди.

Бир сўз билан айтганда 10-12 аср илгари яшаб ўтган машҳур юрдошларимиз бугунги кунда ҳам биз олимларга янги илмий мавзулар тақдим этиш билан бирга археологик тадқиқотларга янги манба бўлиб хизмат қилапти.

Гули БОСИТОВА, Фарғона Давлат университети талабаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг стипендианти.

— Мустақил юртимизнинг келгуси асрадаги тараққиёти, дунё

ҳамжамиятидаги ўрни кўп жиҳатдан биз ёшларнинг илм-иқтидори, маърифатига боғлиқ. Мендан амалга оширилган илоҳотларнинг ҳал қилувчи омили нимада деб сўрашса, жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, ёшларни бой маданий меросимиз, умуинсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш деб айтардим. Чунки бу хислатларнинг барчасини биз Юртбошимиздан ўрганишимиз. Шайх-ул-Ислом бобомиз Бурҳониддин ал-Марғинович бир асарларида:

Билмаган нарсангни тездан ўргангин, Чунки билим боши охири ҳам бахт. деб лутф қилган эканлар.

Буюк бобомизнинг жаҳон ҳуқуқий тафаккури тараққиётга қўшган улкан ҳиссаси ҳар бир ўзбекистонлик қатори биз ёшларга ҳам гурур бағишлайди. Мен келажакда ҳуқуқшунос бўлмоқчиман. Фаолиятимда шарқ ҳуқуқшунослигига алоҳида эътибор беришни ният қилиб қўйганман. Бугун кутлуғ тўйлари нишонланаётган бобомизнинг «Бидоят ул-мубтадий», «Нашр ул-мазаҳаб», «Кифоят ул-мунтахай» сингари асарларини чуқур ўрганиб, фаолиятимда қўллаб иш юритиш асосий орзуларимдан бири.

Мухаммад КАРИМОВ, Марғилонлик ҳунарманд: — Отамнинг ҳам, онамнинг ҳам етти авлоди ҳунарманд ўтган. Улар тўққан атласлар магрибу машриқда машҳур бўлган. Айниқса беқасам тўқишда бизнинг авлод олдига тушадигани топилмаган. Мен ҳам шу касбнинг этанидан тутганимга ярим асрдан ошди.

Ота-боболаримиз Марғилон ҳунармандлари шон-шўхратини дунёга ёйиш ишчи билан яшаб, меҳнат қилишди. Биз эса мустақил тузум даврида битта том остига кириб олиб бир хил қолипдаги матоларни тўқишдан нарига ўтмадик. Яхшиямки

мустақиллик туфайли елкамизга офтоб теги. Бундан саккиз йил аввал отабоболаримизнинг ёғочдан ясалган дастгоҳларини қайта тикладим. Бу ибтидоий усулда тайёрланган беқасам, атласларнинг нусхалари кўзга бошқача ташланади, товланади. Шу эскича нусхаларни Германияда ўтказилган «ЭКСПО-2000» кўргазмасида намойиш этдим. Кўпчиликка маъқул келди, рағбатлантирувчи мукофот олдим.

Сафардан қайтиб буюк юрдошимиз Бурҳониддин ал-Марғинович юбилейига атаб беқасам ва атласнинг янги нусхаларини яратишга киришдик. Қадимий нусхаларни ўрганиб, ўша тўққизинчи асрда тайёрланган беқасамларга ўхшаш нусха яратдим, атласнинг ҳам ҳали ҳеч ким қўл урмаган нусхасини тўқидим. Улғу ҳамюртимиз шарофатига беқасамга «Бурҳониддин», атласга эса «Марғинович» деган номларни бердим. Бу шойи матолар тўйга муносиб совға бўлади, деб ўйлайман.

Сўхбатдош: **Набижон СОБИР,** «Халқ сўзи» мухбири.



«Биз миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклаш ва ривожлантиришга катта аҳамият берар эканмиз, миллий ўзликни англаш жаҳон маданияти ғояларидан, умуминсоний қадриятлардан узилмаслигини назарда тутамиз. Ўзбек халқининг тарихи ва маданияти, умумбашарий цивилизациянинг таркибий ва ажралмас қисмидир».

Ислом КАРИМОВ

Мовароуннаҳрда етишиб чиққан буюк алломалардан бири — Али ибн Абуабкар ибн Абдулжаъли ал-Фарғоний ал-Рошидоний ал-Марғинович бўлиб, у ислом дини қонун-қоидаларини чуқур билган киши эди. Бугунги кунда унинг қаламига мансуб бир қанча асарлар мавжудлиги аниқланган. «Китоб мажма ан-навозил», «Китоб ал-фароиз», «Бидоят ал-мубтадий», «Маносик ал-ҳаж» ва бошқалар ана шунлар жумласидандир. Мазкур китобларнинг номлариданок улар исломнинг турли соҳаларига бағишланган кўлланималар шаклида ёзилгани маълум бўлади.

Бироқ олимни ислом дунёсига машҳур қилган асар — бу «Хидоя» китобидир. Мазкур асар юқориди қайд қилинган

лимлари билан бир қаторда одамларнинг кундалик турмуш тарзи, удувлари, ахлоқий ва маънавий жиҳатларини

ҳам бор, улар иккита, ҳолос.

Айтиш мумкинки, «Хидоя»нинг насх-сулҳ хатида ёзилган мазкур нусхаси соҳибқирон Амир Темур салтанатида ва унинг барҳаётлиги чоғида кўчирилган экан. Афсуски, бу нусха асарнинг фақат биринчи жилди ҳолос. Шунга қарамадан ҳажми анча салобатли, 344 ыарақ (688 бет). Китоб охиридаги маълумотлардан ушбу нусхани кўчирган ҳаттотнинг исми Аҳмад

«ХИДОЯ»НИНГ НОДИР НУСХАСИ

«Бидоят ал-мубтадий»нинг кенгайтирилган, махсус шарҳлар билан бойитилган шакли. Шу сабабдан, унинг тўла номи «Хидоя фи шарҳ ал-Бидоя» («Бидоянинг шарҳларидан иборат Хидоя»)дир.

«Хидоя» ислом би-

қамраб олган ўзига хос қомусий тўплам бўлган. Унда исломнинг асосий арконлари — намоз, закот, рўза, ҳаж ҳақида ёзилганларнинг ҳар бири алоҳида бобларни ташкил қилади. Шунингдек, талоқ, қасам, жазо, вақф, олди-сотди, пул айирбошлаш, кафилик, гувоҳлик, даввогарлик, омонат, инъом, ижара, шериклик мол, васият каби бевосита кундалик ҳаётини эҳтижлардан келиб чиққан ҳуқуқий масалалар ҳам алоҳида-алоҳида бобларда тавсифланган. Шу сабабдан, «Хидоя» ёзилган вақтидан бошлаб то ҳозиргача исломдаги ҳуқуқий мезонлар мукамал кўрсатилган асар сифатида қўлланиб келинмоқда. Асар мадрасаларда асосий дарслик, қозихоналарда эса дастуруламал вазифасини ўтаган. Бу китобга бағишлаб шарҳлар ёзилган, ундан қўллаб нусхалар кўчирилган ва у муаллиф ёзган араб тилидан бошқа тилларга таржима қилинган.

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қадимий ёзма мерос хазинасида «Хидоя»нинг 87 та қўлёзма нусхаси мавжуд ва уларнинг барчаси араб тилида. Мазкур қўлёзмалар давр жиҳатдан ҳаттотлар томонидан турли пайтда кўчирилган. Уларнинг орасида 8411 рақам билан белгилангани ҳижрий 679 (милодий 1280) йили кўчирилган нусха бўлиб, «Хидоя»нинг мазкур кутубхонадаги энг қадимий нусхасидир.

Асарнинг мавжуд нусхалари таҳлили асосида «Хидоя»дан XX аср бошларигача узлуқсиз нусхалар кўчириб келинган, деб ҳулоса қилиш мумкин.

«Хидоя»дан кўчирилган қўлёзмаларнинг ёзув услуби ҳам ҳар хил. Мавжуд нусхаларнинг аксари насталик хатида битилган, анча қисми насх хатида ёзилган. Бу хатда ёзилган нусхаларнинг аксарияти қисми олдинги асрларда кўчирилган. Қадимгиси ўн учинчи ва охиригиси ўн саккизинчи асрга мансуб, энг кўп қисми ўн олтинчи асрга тўғри келади. Сулҳ хатида ёзилганлари

ибн Маҳмуд ибн Муъин ал-Фуқаро эканлиги маълум бўлади. Сўнгра китоб кўчирилган сана ёзилган: 803 йил 22 шаввол, жума куни (1401 йил 5 июн). ыарақлар ҳошияларига насталик хатида асосий матнга араб тилида, баъзан форс тилида шарҳлар илова қилинган. Бундай қўшимчаларнинг бир қисми турли ҳаётини эҳтижлардан келиб чиққан ҳуқуқий масалалар ҳам алоҳида-алоҳида бобларда тавсифланган. Шу сабабдан, «Хидоя» ёзилган вақтидан бошлаб то ҳозиргача исломдаги ҳуқуқий мезонлар мукамал кўрсатилган асар сифатида қўлланиб келинмоқда. Асар мадрасаларда асосий дарслик, қозихоналарда эса дастуруламал вазифасини ўтаган. Бу китобга бағишлаб шарҳлар ёзилган, ундан қўллаб нусхалар кўчирилган ва у муаллиф ёзган араб тилидан бошқа тилларга таржима қилинган.

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қадимий ёзма мерос хазинасида «Хидоя»нинг 87 та қўлёзма нусхаси мавжуд ва уларнинг барчаси араб тилида. Мазкур қўлёзмалар давр жиҳатдан ҳаттотлар томонидан турли пайтда кўчирилган. Уларнинг орасида 8411 рақам билан белгилангани ҳижрий 679 (милодий 1280) йили кўчирилган нусха бўлиб, «Хидоя»нинг мазкур кутубхонадаги энг қадимий нусхасидир.

Асарнинг мавжуд нусхалари таҳлили асосида «Хидоя»дан XX аср бошларигача узлуқсиз нусхалар кўчириб келинган, деб ҳулоса қилиш мумкин.

«Хидоя»дан кўчирилган қўлёзмаларнинг ёзув услуби ҳам ҳар хил. Мавжуд нусхаларнинг аксари насталик хатида битилган, анча қисми насх хатида ёзилган. Бу хатда ёзилган нусхаларнинг аксарияти қисми олдинги асрларда кўчирилган. Қадимгиси ўн учинчи ва охиригиси ўн саккизинчи асрга мансуб, энг кўп қисми ўн олтинчи асрга тўғри келади. Сулҳ хатида ёзилганлари

Омонулло БҮРИЕВ, ЎзФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими.

Мангу етаклагай дийёнат сари

Тафаккур дунёси, дурри яқтоси, Ҳақнинг ҳидояси, сўнмас зийси, Шафоатхоҳимиз руҳи бақоси, — Бурҳониддин Марғинович даҳоси, Ислом оламнинг мангу садоси!

Қуръону Каримнинг шафқу сафоси, Буюк Ал-Хидоя маҳду маъвоси, Жаннатий зотларнинг ҳур муддаоси, — Бурҳониддин Марғинович даҳоси, Ислом оламнинг мангу садоси!

Асл ошиқларга дорил шифо бу, Улғу ажодлардин чин тўтиё бу, Яратган эгамга чин иқтидо бу, — Бурҳониддин Марғинович даҳоси, Ислом оламнинг мангу садоси!

Башарни бошлагай Хидоят сари, У дунё, бу дунё Саодат сари, Мангу етаклагай дийёнат сари, Бурҳониддин Марғинович даҳоси, Ислом оламнинг мангу садоси!

Ул зот осмониди Аллоҳга ёрлар, Насиб этса на бахт руҳий дийдорлар, Буюк Истиқболга бизларни чорлар, — Бурҳониддин Марғинович даҳоси, Ислом оламнинг мангу садоси!

Танграм, қудратингга таҳсин беадад, Бошим узри порлар илоҳий талғат, Бу буюк қудратидир, бу буюк қудрат, — Бурҳониддин Марғинович даҳоси, Ислом оламнинг мангу садоси!

Исмоил МАҲМУД.

Марғилон — аллома Ватани

қилинган. IX-X асрларга келганда, Марғилон шаҳри илк бор ёзма манбаларда Марғинович кўринишида тилга олинди.

Бу даврда Марғилон Фарғона водийсининг катта шаҳарлари қаторига кирмаган бўлса-да, араб географлари (масалан, Ас-Сомоний) тилга олган Буюк Ипак йўлидаги манзиллардан бири эди. Ёзма манбаларнинг берган хабарларига қараганда, у XI-XII асрларда водийнинг ийрик шаҳарларидан бирига айланди. Буни археологик материаллар ҳам тўлиқ тасдиқламоқда.

Бу даврда шаҳарлардаги тозалик ва тартиб-интизомга катта эътибор берилган. Шаҳар майдонлари, кўча-

лар, ҳовулар, ариқлар, бозорлар ва ҳаммомлар доимо назоратда бўлган. Шунинг эслатиб ўттиш лозимки, ҳатто киш ойларида хонадон эгалари ўз уйининг тоmidан кўчага туширилган қорни ҳам кун давомида олишни шарт бўлган. Тарихий манбаларда Марғилон шаҳрига доир шундай тафсилотлар сақланиб қолган. Табиийки, Марғинович янада машҳур этган омил, бу — Марғилонда буюк аллома Бурҳониддин ал-Марғиновичнинг таваллуд топганидир.

X-XII асрларда Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий ҳаёти Ҳанафий таълимоти билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Бу мазаҳб мантиқий

тафаккурга энг яқинроғи бўлиб, барча аҳоли табақаларининг турмуш тарзи ҳисобга олинган. Ҳанафий мактаби тасавуф (суфизм) таълимоти билан аввалдан алоқада бўлган. Биринчи исломий суфийлар (Фозил ибн Аёз, Зулфунун Мисрий, Боязид Бистоний, Иброҳим Адхам ва бошқалар) Ҳанафий таълимотининг машоийхлари ҳисобланган.

Ҳанафийлик ақидалари X асрда Самарқандга кириб келиб, Абу Мансур Мотуридил Каломий фалсафасининг шаклланиши ва унинг кенг тарқалишига сабаб бўлди.

Ислом қонуншунослигида ўчмас из қолдирган буюк аллома Бурҳониддин ал-Марғинович шундай шаро-

итда яшаб ижод қилган. У Марғилонда туғилиб, кейин Шарқнинг бошқа шаҳарларида диний ва илмий камолот мактабларини ўтаган. Даврининг улғу алломаси даражасига эришган. У фикр (ислом ҳуқуқшунослиги) илмининг буюк намояндаси сифатида ҳаётини ўзгаришти, тараққиётга қараб, шарият ҳукмларига ҳам омма манфаатлари нуқтаи назаридан маълум ўзгаришлар киритилишини таъкидлаб ўтган.

Унинг «Хидоя» асари жуда машҳурдир. Бу асарда мусулмон ҳуқуқий тафаккур тарихига доир қимматли материаллар бор. Бурҳониддин ал-Марғиновичнинг асарларида жамиятдаги ижтимоий-

иқтисодий муносабатлар, мулкчилик турлари ва уларнинг ҳуқуқий асослари, давлатнинг молиявий фаолияти, фуқаролар ҳуқуқи ва сул юритиш масалалари ҳам кенг ўрин олган.

Бурҳониддин ал-Марғиновичнинг ўзининг «Ал-Хидоя фи-л-фурӯъ» («Фикр соҳалари ҳақида кўрсатмалар») китобида солиқ масаласига катта эътибор берилди. Ортиқча солиқ солишни, фониқ ва хонин шахсларни давлат ишларига қўйишни ҳаром ҳисоблаган. Бурҳониддин ал-Марғинович сингари ўрта аср фикр илми намояндалари яратган асарларини илмий таҳлил қилиш, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда давом этаётган ислоҳот жараёнларини тезлаштиришда ҳам аҳамиятлидир деб ўйлаймиз.

Абдулҳамид АНОРБОВЕВ, Ўзбекистон Фанлар академияси Яхў Фуломов номи Археология институти директорининг ўринбосари.

ОЧИҚ ТУРДАГИ «ЖИЗЗАҲДОНМАҲСУЛОТ» ҲИССАДОРЛИК УОШМАСИ
2000 йил 24 ноябр куни эрталаб соат 11.00 да мажлислар залида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилади.
КУН ТАРТИБИ:
1. Корхонанинг 9 ойлик фаолияти тўғрисида.
2. Акцияларнинг иккинчи эмиссиясини чиқариш тўғрисида.
Манзил: Жиззах шаҳри, Чўл кўчаси, 10-уй.
Қувагув кенгаши

ОЧИҚ ТУРДАГИ «ДЎСТЛИК-ДОН» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ
2000 йил 25 ноябр куни эрталаб соат 11.00 да мажлислар залида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилади.
КУН ТАРТИБИ:
1. Корхонанинг 9 ойлик фаолияти тўғрисида.
2. Акцияларнинг иккинчи эмиссиясини чиқариш тўғрисида.
Манзил: Жиззах вилояти, Дўстлик шаҳри.
Қувагув кенгаши

ОЧИҚ ТУРДАГИ «ЗАРБДОР ЭЛЕВАТОРИ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ
2000 йил 24 ноябр куни соат 15.00 да мажлислар залида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилади.
КУН ТАРТИБИ:
1. Корхонанинг 9 ойлик фаолияти тўғрисида.
2. Акцияларнинг иккинчи эмиссиясини чиқариш тўғрисида.
Манзил: Жиззах вилояти, Зарбдор кўрғони.
Қувагув кенгаши

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси телевидение овоз режиссёри О. Муллажоновга онаси
Зайтуна МУЛЛАЖОНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети жамоаси доцент
Бугаю Ольга ЛЕОНТЬЕВНАнинг узоқ давом этган касалликдан сўнг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

Китоблар оламида

Мана, 8 йилки, Ўзбекистондаги олий ва бугунга келиб, ўрта махсус ўқув юрларида ҳам кабулнинг халқаро андозалардаги янги усули — тест синовига амал қилиб келимоқда. Шу давр мобайнида тест тизими ҳар жиҳатдан такомиллаштириб, бу борада тўпланган тажрибаларга бошқа мамлакатларда ҳам қизиқиш уйғониб ва ортиб бораётти.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Тест маркази 1996 йилдан эса мамлакатимиз олий ва ўрта махсус ўқув юрларида ўтказиб келинаётган тест синовлари яқунларнинг таҳлиломаларини ҳам мунтазам эълон қилиб келаяпти. Бу анъанавий таҳлиломалар ислохотлар жараёнида тубдан янгилашиб бораётган Ўзбекистон таълим тизимининг кенг қамровли манзарасини ўсишида, ривожланишида кўрсатиб бераётти.

«Тест-2000» сабоқлари

М.САФАРОВ

Яқинда кенг жамоатчиликка Тест маркази томонидан тайёрланган навбатдаги таҳлиломна тақдим этилди. Унинг саҳифаларидан ўрин олган хилма-хил жадвалларда, диаграммаларда, гистограммаларда ва уларга доир шарҳларда 2000 йил тест синовлари ҳамда ундан келиб чиқадиган муҳим хулосалар ўз ифодасини топган.

Деярли 400 саҳифали бу йиринк китобда республика таълим тизими атрофида таҳлил этилган. Кўпгина муаммоларга эътибор берилган. Китоб кузатишлар, таққослар, хулосаларга бой. Айниқса халқ таълими ходимлари, умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус ўқув юрларининг педагоглари, соҳа мутахассислари ва олимлар таҳлиломдан ўзлари учун кўпгина қимматли ва фойдали фикрлар, хулосалар, материалларни топади.

Биз эса, газета майдони имконият берган даражада фикр юритиб, мазкур китобнинг энг умумий хусусиятлари, 2000 йил тест синовларининг ўзига хослигини таъминлаган йиринк макрокурсаткичларнинг айримлари устида тўхталмоқчи-

миз.

Китобда 2000 йилда олий ва ўрта махсус ўқув юрлари учун қабул жараёнида қатнашган 300 мингдан ортиқроқ абитуриентларнинг тайёрларлик сифати қамраб олиб, таҳлил этилди. Таҳлил йўналишлари минтақалардаги таълимнинг аҳолини, турли мутахассисликлар, ўқув фанлари ва таълим тиллари бўйича абитуриентларнинг билим сифатини қамраб олган.

2000 йилда абитуриентларнинг билим савиясини атрофида синовдан ўтказиш мақсадлида нисбатан мураккаблаштирилган тест синовий усуллари амалга жорий этилди.

Авалло, бу йилги тест топшириқлари жамғармаси 100 мингдан ошиб кетди. Бу эса абитуриентларнинг энг иқтидорларини, энг билимдонларини танлаб олишни таъмин этувчи омиллардан биридир. Бунинг устига, абитуриентларнинг мураккаб фикрлаш қобилиятини синовдан ўтказувчи яна бир усул қўлланилди — олий ўқув юрлари учун тест синовига эълон қилинган тест топшириқларидан ташқари эълон қилинмаганлари ҳам талбик

этилди. Булар бу йил кенг қўлланилган кўп вариантли тест тизимини амалга оширишнинг муҳим таркибий қисмларига айланди.

2000 йил ўқув йилининг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, бу йил олий ўқув юрларининг кундузги ва сиртки бўлимларида тест синовлари бир кунда — 1 августда ўтказилганлиги ҳам қабул сифатини такомиллаштиришда ўз самарасини берди.

Тест якунлари таҳлилда таълимдаги тамойиллар ва устуворликларини кўрсатувчи макрокурсаткичлар ҳам тақдим этилган. Масалан, ушбу ўқув йилининг яна бир ўзига хослиги — вилоятларда қабул танловининг юқори бўлганлигидир. Энг юқори танлов — Сурхондарё вилоятида (бир ўринга 16,07 даявогар), Наманган (12,51), Фарғона (11,08), Навоий (10,02) вилоятларида кузатилди. Бу — муқтадлик йилларида вилоятларда вузудга келган университетлар ва институтларнинг нуфузи ошганлигидан далолатдир. Умуман, республика бўйича ҳам танлов юқори бўлиб, бир ўринга 1999 йилда 7,74 даявогар бўлган бўлса 2000 йилда бу

рақам 8,32 га кўтарилди.

Бу йил таълимнинг фундаментал йўналишлари (физика, математика, биология каби), шунингдек кимё технологияси, фалсафа, тиббиёт соҳаларида танлов ўтган йилдаги нисбатан юқори бўлди. Юриспруденция, иқтисодиёт, молия, тарих, ўзбек тили ва адабиёти, педагогика каби соҳалар йўналишлари учун устувор йўналишлар бўлиб қолмоқда.

Шу билан бирга, таҳлиломнада 2000 ўқув йилининг айрим жиҳдий муаммолари ҳам аниқ кўрсатилган. Масалан, бу йил ўқишга қабул қилинганлар орасида жорий йилда мактабни битирганларнинг улushi камайган. Демак, Республикадаги бир қатор таълим муассасаларида ўқув-тарбия фаолияти самарадорлиги қониқарли эмас.

Шунингдек, тест якунлари таҳлиломнасида кўрсатилгандай, 1 дан 55гача оралиқда бўлган танлов курсаткичларидаги кескин фарқланиш олий ўқув юрларининг мактабларда касбга йўналтириш бўйича олиб бораётган ишларнинг етарли эмаслигини, ёшларда ҳар хил касб-хунарнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини англаш ҳиссини шакллантиришга етарлича эътибор берилмаётганини яққол кўрсатади.

Таҳлиломнинг бу йўналиши ҳам қимматли амалий-педагогик хулосалар чиқаришга асос беради.

Биз юқорида 2000 йил тест якунлари таҳлилининг энг умумий жиҳатларигагина эътибор қилдик. Шу билан бирга, унда кундузги ва сиртки олий ўқув юрларида, ўрта махсус ўқув юрларида қабулнинг асосий миқдори ва сифатий кўрсаткичлари ҳам алоҳида-алоҳида таҳлил этилган, шу йўналишларга тааллуқли жадваллар, диаграммалар, гистограммалар ҳам берилган.

Ўйлаймизки, китобдаги шарҳлар ва ранг-баранг статистика маълумотлар республика таълим тизимининг ҳозирги ҳолати ва истикболга бефарқ бўлмаган барча кишиларда катта қизиқиш уйғотади.

Берибди у.

— Сеникичи? — сўрабди подшоҳ уйни сотиб олган одамдан.

— Қизим бор, — дебди у. Шунда подшоҳ хужм чиқарибди:

— Қизингизни бу кишига келин қилиб беринг. Ҳазина қизинг сени бўлсин. Шунда иккалангиз ҳам бойликдан бебахра қолмангизлар.

Икки томонга ҳам бу хужм маъқул келибди. Улар подшоҳ олидан жуда мамнун ҳолда чиқибди. Шу тариқа бир қарор билан қўнғиллар шод, бир юрт обод бўлган экан.



Музейлар — миллий бойлик

Инсоният кечаги кундан ажратиб қўйилса, у ўтмиш хатоларини такрорлайвериши мумкин. Ўтмишнинг қора кунлари ҳам, ёрғун кунлари ҳам бузғун учун яхшигина сабоқ бўла олади. Шу маънода мозий билан келажакнинг учрашган жойи — музейлар бизнинг кечамиздан бузғунимизга, эртангизга қолдириган энг ноёб ёдгорликдир. Музейлар ўтмишни ёрғунчи зиё маскани.

Ана шундай зиё масканларидан бири — атоқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти, академик Юнус Ражабий уй-музейидир. Музей музыка шинаваллари, мушқашунос олимлар, юзлаб шоғирлар ташаббуси билан 1997 йили алломанинг юбилейи арафасида ташкил этилди.

Устоз санъаткор даргоҳида

Дилбар ТУРҒУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

1957 йилда шу хонадонга Юнус Ражабий умр йўлдоши ва олти нафар фарзанди билан кўчиб келган. Бу даргоҳда у 20 йил яшаб ижод қилди. Юнус Ражабий кўп қиррали меҳнат фойлияти давомида шу кутлуғ хонадонда ўзининг «Ўзбек халқ мушқашунос» тўпламларининг 4 жилдини ва олти жилдини «Шашмақом» жанрларининг ҳамда «Мушқашунос» меросининг бир назар» номли тадқиқотни яратди. Ўзбек халқи маданияти дурдоналари бўлиб қолган мушқашунос драмалари — «Навоий Астрообода», «Уғил уйлантириш», «Зайнаб ва Омон» операсига куйлар басталади. Шу билан бирга, халқ ўртада ҳозирда ҳам севиб тингиланаётган ўзининг ўнлаб ноқил чолу куйлари ва ашулаларини яратди. Бу уйда Юнус Ражабийнинг янграқ ноларок овози, ёқимли хиргойи си янграган, тингланган, юзлаб нота саҳифалари пир устознинг кўллари билан халқимиз севган жозибали, тасирчан мушқашунос асарларига айланган.

Уй — музейнинг экспозицияси ва фондлари: Юнус Ражабий шахсий ашёлари; илмий кутубхона; мушқашунос асарлари; Юнус Ражабийнинг дастлағидан, уларнинг фото кўчирмаларидан, жумладан — кўшиқ ноталаридан, мушқашунос драма асарларига ёзган куйларидан, шашмақом куйлари ва ноталаридан, шунингдек, илмий мақолалари, рисоалари, китоблари, куйлар, қўлёзмаларидан иборатдир.

Музей ўзбек халқининг мушқашунос меросининг алоҳида қисми бўлиб, унинг тарихини, асарларини, мушқашуноснинг ўзининг миллий ифтихорига айланган санъат асарлари музейларда сақланган. Мушқашунос меросининг алоҳида қисми бўлиб, унинг тарихини, асарларини, мушқашуноснинг ўзининг миллий ифтихорига айланган санъат асарлари музейларда сақланган.

сиқа маданиятини, унинг тарихи ва тарихий тараққийини ўрганади. Юнус Ражабийнинг илмий-ижодий меросини тўплаб тарғибот қилади. Президентнинг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонидан кейин музей имкониятлари янада кенгайиб, янги экспонатлар билан бойилди. Бугунги кунда бу кутлуғ маскан нафақат тошкентликлар, балки пойтахт меҳмонлари учун ҳам севибли даргоҳга айланган.

— Юнус Ражабийнинг уй-музейи экспонатларининг бойлиги, нодирлиги билан мени ҳайратга солди, — дейди музей ҳақида Санкт-Петербург шаҳридан келган меҳмон А. Д. Марголис. — Бу ердаги ҳар бир буюм, ҳар бир нота, ҳар бир китоб аллома ҳақида ҳикоя қилади. Гўё бу ерда буюк мушқашунос Юнус Ражабийнинг ҳасос қалби уриб тургандек, назаримда. Музей билан танишиб, ўзбек халқининг бой мушқашунос мероси эга эканлигининг шоҳиди бўлдим. Музей ўз экспозициясининг кўллари билан жаҳоннинг шу йўналишидаги ҳар қандай музейи билан бемалол беллаша олади.

Бироз ўзбек йўқки, «шашмақом»ни тингиланганда боши мушқашунос монанд тебранмаса, «Муножот» янграганда уни жон қулоғи билан тингиланган. Халқимиз хорхилликлар таъкидлаганларидек, бу мушқашунос мероси эга. Афсуски, мустабид тузум бизни аждоқларимиз қолдирган меросдан бенавис этди. Билмак, эндиликда халқимизнинг миллий ифтихорига айланган санъат асарлари музейларда сақланган.

Урта умумтаълим мактабларида 1-синфдан 5-синфгача «Мушқашунос» дарслари ўтилади. Лекин, ўқувчилар 5 йилда 5 та кўшиқ ўрганишдан наратга ўтмайдилар. 10 нафар боладан 3 нафарининг мушқашунос куйлари бор. Гап фақат уни тарбиялашда. Мушқашунос муаллимлари болаларни санъатга қизиқтириш мақсадли бўлса-да, санъат даргалари ҳақида маълумотлар йиғиб болаларга етказишса аини мудолаз эди.

Инсоният тараққийининг кашф этилаётган имкониятлари кўнглимизни тўлдирса-да дилимизда бир нуқта борки, уни бу муҳаллар тўлдиролмайди. Дилимизнинг ана шу кемтигини тўлдириб, кўксимизни тоғай юксалтирувчи туғу, бумиллий гурур. Хотира шунинг учун ҳам гўзалки, аждоқларидан фахрланниб ёш авлодни уларга муносив бўлишга ундайди. Зотан, тарихни ўрганиш, ўтган буюк алломаларга ёдгорлик қўйишдан қўзланган мақсад ҳам шу.



Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Ҳикоят

Бир киши ўз уйини сотибди. Сотиб олган киши уйдан ҳазина топиб олибди. Уни дарров уйни сотган кишининг олдига олиб борибди. — Сиз менга уй сотган эдингиз, — дебди у, — мен шу уйдан ҳазина топиб олдим, У сизники. Шуну олсангиз. — Агар бу ҳазина менга тегишли бўлганда, уни ўзим уйни сотмасимдан

Олижаноб одамлар баҳси

Олижаноб одамлар баҳси. Охири улар подшоҳнинг олдига боришибди. — Адолатли подшоҳимиз баҳсимизни ҳал қилиб беринг. Орамизга совуқлик тушмасин, — дейишибди улар. Подшоҳ уйини сотган одамдан сўрабди. — Болаларинг борми? — Ўғлим бор, жавоб

115 мамлакат ортида қолдирилди

Кунни кеча Истанбул шаҳрида жаҳон шахмат олимпиадаси ниҳоясига етди. Ун беш кун давомида дунёнинг энг сара просмейстеру мастерлари навбатан-навбат чемпионлик учун баҳс юритдилар.

Эркаклар турнирига 126, аёллар мусобақасига эса 86 та мамлакатдан вақиллар келганлиги Истанбул олимпиадасининг ютуқларидан биридир. IX турда эркак шахматчиларимиз Польша командасини ютган, 13-ўринга кўтарилган эдилар. Бирок, XIII турда кутилмаганда қирғизистонлик спортчилардан мағлубият аламини тоттиш ишининг пачавасини чиқариб қўйди. Сўнгги уч турда эса шахматчиларимиз нималарга қолдирилгани кўрсата олдилар. Ва,

нинг ютуқларидан биридир. IX турда эркак шахматчиларимиз Польша командасини ютган, 13-ўринга кўтарилган эдилар. Бирок, XIII турда кутилмаганда қирғизистонлик спортчилардан мағлубият аламини тоттиш ишининг пачавасини чиқариб қўйди. Сўнгги уч турда эса шахматчиларимиз нималарга қолдирилгани кўрсата олдилар. Ва,

Италия жамоасини (2,5:1,5), финляндияликларни (3,5:0,5) ҳамда канадаликларни (2,5:1,5) мағлуб этиб, умумжамоа ҳисобида 11 ўринни эгалладилар. Бу 126 мамлакат вақилларидан 115 таси ортида қолдирилди дегани. Муваффақият эмасми, бу?!

Мамажон МУҲИДИНОВ.

ТЕЛЕФОНДА АЙТИЛГАН ЛАТИФА



— Анови дўхтирга қойил қолдим. Хотинимни бир лаҳзада соғайтирди. — Қандайига? — У бутун касаллик қарилкнинг бошланishi аломатларидир, деб айтди. * * *

Инспектор йўлда тез кетаётган машинани тўхтади: — Мен сизга жарима соламан: соатиға 120 километр тезликда кетяписиз. — Бўлиши мумкин эмас, — деди ҳаваскор хайдовчи. — Уйдан чиққангиз бир соат бўлгани йўқ!

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ.

Таҳрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИ, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; Ҳуқуқ — 136-07-94; Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65; Маънавият ва маърифат — 136-35-60; Хатмлар — 136-29-89; 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08; Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 1015, 17797 нуسخа босилди, ҳажми — 2 табоқ. Оффсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II — компьютерда терилди ҳамда оператор Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЁРОВ. Навбатчи — Б. ОСТАНАКУЛОВ. Мушқашунос — А. ЭШҚУЛОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга таъшириш вақти — 21.00 топширилади — 21.00 1 2 3 4 5 6

Advertisement for 'UZBEK CHARMPOYABZALI' shoes. Text includes: 'ВАЗИРЛИКЛАР, УЮШМАЛАР ВА КОРХОНА, ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИККАТИГА.', '2000 йил 20-22 ноябр кунлари «ЎЗКЎРГАЗМАСАВДО» маркази биносидан', '2001 йилга буюртмалар портфелини тузиш учун ушбу рўйхатдан савдо ярмаркасини ўтказилади.', 'Савдо ярмаркасида Сиз 2001 йили уюшма таркибидаги пойабзал ва чарм-атторлик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳамда янги модел ва дизайндаги маҳсулотларни шартнома асосида сотиб олиш ва амалий муносабат ўрнатиш имкониятларига эга бўласиз.', 'Барчангизни «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси томонидан ўтказиладиган савдо ярмаркасида дўстона тақдир этамиз.', 'Маълумот учун телефонлар: 55-73-84. Факс: 54-65-60. Манзил: Тошкент ш., Бериуий к. 41.'

Advertisement for 'UZBEK IPAGI' shoes. Text includes: '115 мамлакат ортида қолдирилди', 'Кунни кеча Истанбул шаҳрида жаҳон шахмат олимпиадаси ниҳоясига етди.', '«ЎЗБЕК ИПАГИ» УЮШМАСИ ЧОШМАСИ', 'БАРЧА МАНФААТДОР ТАШКИЛОТЛАРНИ', '«ЎЗБЕК ИПАГИ» УЮШМАСИ КОРХОНАЛАРИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ИПАК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ', '2001 ЙИЛ УЧУН УЛГҮРЖИ САВДОСИ РЕСПУБЛИКА КЎРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.', 'КЎРГАЗМАДАГИ САВДОГА УЮШМА КОРХОНАЛАРИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЖАМИ 9 МЛРД. СЎМЛИК МАҲСУЛОТЛАР ҚЎЙИЛАДИ.', 'КЎРГАЗМА 2000 ЙИЛ 20 НОЯБРДАН 23 НОЯБРГАЧА «ЎЗКЎРГАЗМАСАВДО» АЖ БИНОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ.', 'Манзил: Тошкент ш., Бериуий к., 41 (собиқ «Алпомш» спорт саройи)'

Advertisement for 'UZBEK CHARMPOYABZALI' shoes. Text includes: 'ВАЗИРЛИКЛАР, УЮШМАЛАР ВА КОРХОНА, ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИККАТИГА.', '2000 йил 20-22 ноябр кунлари «ЎЗКЎРГАЗМАСАВДО» маркази биносидан', '2001 йилга буюртмалар портфелини тузиш учун ушбу рўйхатдан савдо ярмаркасини ўтказилади.', 'Савдо ярмаркасида Сиз 2001 йили уюшма таркибидаги пойабзал ва чарм-атторлик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳамда янги модел ва дизайндаги маҳсулотларни шартнома асосида сотиб олиш ва амалий муносабат ўрнатиш имкониятларига эга бўласиз.', 'Барчангизни «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси томонидан ўтказиладиган савдо ярмаркасида дўстона тақдир этамиз.', 'Маълумот учун телефонлар: 55-73-84. Факс: 54-65-60. Манзил: Тошкент ш., Бериуий к. 41.'